

RESEARCH ARTICLE

Translation Of Chinese Grammatical Terminology Into Uzbek: Problems And The Issue Of Standardization

Samida Mustafayeva

Associate Professor, DSc, Tashkent State University of Oriental Studies, Uzbekistan

VOLUME: Special Issue 2026

PAGE: 64-72

Copyright © 2026 European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, this is an open-access article distributed under the terms of the Creative Commons Attribution-NonCommercial-Share Alike 4.0 International License. Licensed under Creative Commons License a Creative Commons Attribution 4.0 International License.

Abstract

The steadily developing cooperation between the Republic of Uzbekistan and the People's Republic of China in all spheres has led to a growing demand for qualified and competent specialists in the fields of Chinese language and Sinology. This, in turn, increases the relevance of translation issues between the two languages. The translation of Chinese linguistic terminology into Uzbek is no exception and requires a high level of responsibility.

Typological differences between the Uzbek and Chinese languages are among the main factors that complicate this task. In this study, the issue of translating Chinese linguistic terminology into Uzbek is examined through the lens of the gradual development of linguistic disciplines in China, namely in the sequence of writing, phonetics, and grammar, which is considered an appropriate analytical approach.

KEY WORDS

linguistic terminology, Chinese language, Uzbek language, direct and indirect translation, doublets, unification, variability, equivalent term.

INTRODUCTION

Хитой ёзуви ва иероглифика терминларининг ўзбек тилига таржимаси масаласи хитой тилшунослиги терминлари таржимасининг энг эрта бошланган йўналиши ҳисобланади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, тилнинг ёзув ва фонетика бўлимлари билан боғлиқ терминларнинг катта қисми анъанавий хитой тилшунослиги доирасида юзага келган, хитой тилини дунёнинг бошқа тилларидан фарқлаб турувчи икки асосий хусусият: иероглифика ва мураккаб фонетик тизим бу соҳа терминлари таржимасини янада мураккаблаштиради.

Ўзбек хитойшуносларининг хитой ёзуви бўйича асарлари нашири XX асрнинг 90-йилларидан бошланган.

Хитойда такомиллашган ёзувнинг шаклланиши 3000 йиллик тарихга эга эканлиги манбалардан маълум. Шаклланган илк ҳуснихат тури 甲骨文jiǎgǔwén >甲jiǎ

‘судралиб юрвчи ва бугим оёқли ҳайвон қобиғи ёки косаси’ +骨gǔ ‘суяк’ +文wén ‘ёзув’ компонентларидан иборат бу терминнинг ўзбек тилига ‘тошбақа косалари ва ҳайвон суякларига ёзилган ёзув’[1; 5], ‘тошбақа косасидаги битиглар’[2; 58] каби таржималари мавжуд.

Биринчи таржима нисбатан муваффақиятли чиққан термин сифатида анча катта ҳажмга эга бўлса-да, уни қисқартириш термин моҳиятига таъсир қилади. Иккинчи таржима ҳажм жиҳатдан кичикроқ, бироқ унинг мазмуни гўё ёзув фақат битта тошбақанинг косасига битилган, деган тасаввурни уйғотади.

Хитой тарихида Шанг сулоласининг иккинчи ярми Ин номи билан аталган (мил. авв. XIV-XI асрлар). Ин ва ундан

кейинги Фарбий Жоу (мил. авв. XI-770й.) сулоалари даврида бронза пайдо бўлиб, бу пайтларда бронза асбоблари устига ҳам кўплаб иероглифлар битилган. Бу ёзувларни 金文 jīnwén ёки 钟鼎文 zhōngdǐngwén деб аташган. Терминларнинг таркибий қисмлари семантикасига эътибор берилса, 金文 jīnwénнинг биринчи компоненти 金 jīn 'метал' ва 文 wén 'ёзув' маъноларини, иккинчи термин таркибидаги биринчи компонент эса 钟 zhōng ёки 鼎 dǐng, яъни "ичимлик ёки чой ичиш учун мўлжалланган қулоқ" ёки "тутқичсиз идиш", 鼎 dǐng эса "металдан ясалган уч оёқли ва икки қулоқли қозон" термин таркибидаги якунловчи компонент 文 wén 'ёзув' маъносини билдиради. 金文 jīnwén қадимда 'бронза буюмларга битилган ёзув' одатда, Ин, Жоу, Чин, Хан сулоалари даврига оид бронза буюмлардаги ёзувга нисбатан қўлланилган. Ўзбек тилида бу терминнинг 'темир асбоблар ёки ибодатхона ва уч оёқли қозонлар устига ёзилган ёзув'[1; 6], 'бронза битиклари'[2;58] каби таржималари мавжуд. Биринчи таржима термин маъносидан кўра кўпроқ унинг таърифига кўпроқ ўхшайди, бундан ташқари бу ёзув ибодатхона девори ёки эшикларига эмас, балки ибодатхоналардаги қўнғироқларга ёзилган. Шу сабаб термин таржимасидаги 'ибодатхона ва уч оёқли қозонлар' бирикмасида 'ибодатхона' сўзнинг яқка ҳолда келиши мавҳумликка йўл очган. Иккинчиси, хитой тилидаги термин моҳиятини тўлиқ очиб бермайди, чунки 金文 jīnwén шунчаки маълум даврда бронза буюмларга ўйиб ёзилган битикларгина эмас, айнан ўша буюмлардаги ёзув турига нисбатан қўлланилган термин. Шу боис уни 'бронза буюмларга битилган ёзув' тарзида таржима қилиш нисбатан тўғри бўларди.

Кейинчалик, Чин сулоласи даврида ёзувни бирлаштириш сиёсати олиб борилгандан сўнг, 大篆 dàzhuàn ва 小篆 xiǎozhuàn деб номланган ҳуснихат турлари шаклланди. Бу терминлар ўзбек тилига 'катта белгили ёзув' ва 'кичик белгили ёзув' тарзида таржима қилинган [1; 6]. Терминлар таркибидаги биринчи компонентлар 大 dà 'катта' ва 小 xiǎo 'кичик' маъноларини ифодалайди. Ҳар икки термин учун умумий бўлган 篆 zhuàn

компоненти одатда таржима қилинмайди. Масалан, 篆书 zhuànshū ёки 篆字 zhuànzi, яъни ҳуснихат тури, 'жуан ёзуви'. Лекин бу сўз феъл сифатида қўлланилганда 'муҳрланмоқ', 'из қолдирмоқ' маъноларни англатади. Масалан, 心篆 xīnzhuàn 'қалбга муҳрланган'.

Хитой ёзувининг Хан сулоласи даврида 隶书 lìshū ва Цзин сулоласи даврига келиб 章草 zhāngcǎo ёки 今草 jīncǎo, у асосида 大草 dàcǎo, 小草 xiǎocǎo, 狂草 kuángcǎo ҳуснихат турлари шаклланди ва улар умумий тарзда 草书 cǎoshū термини билан юритила бошланди. Бу терминлар ўзбек тилига 隶书 lìshū 'расмий ёзув', 章草 zhāngcǎo 'қонуний тез ёзув хати' ёки 今草 jīncǎo 'бугунги тез ёзув хати', 大草 dàcǎo 'катта белгили тез ёзув', 小草 xiǎocǎo 'кичик белгили тез ёзув' ҳамда 狂草 kuángcǎo 'қутирган ёзув', 草书 cǎoshū 'тез ёзув ҳуснихати' тарзида таржима қилинган [1; 6].

隶书 lìshū термини таркибидаги биринчи компонент 隶 lì 'иш юритувчи; расмий', 书 shū эса 'ҳуснихат; ёзув' маъноларини англатади. 草书 cǎoshū термини компонентлари 'тез ёзув' ва 'ҳуснихат; ёзув' маъноларини англатади.

Хан сулоласи даври охирига келиб 隶书 lìshū асосида чизиклари янада аниқ, тўғри бўлган ёзув тури 楷书 kǎishū 'намунали ёзув' шаклланди ва бугунги кунга қадар хитой иероглифлари босма шакли айнан шу ёзув меъёрларида ёзилмоқда. Термин таркибидаги 楷 kǎi 'меъерий; қолипга тушган' маъноларини англатади. Бу терминларнинг ўзбек тилига таржималари муваффақиятли чиққани сабаб уларнинг ўзбек тилида яратилган манбалардаги таржималарида фарқлар кузатилмайди.

Хитой иероглифлари бўйича олиб борилган тадқиқотларда иероглифлар келиб чиқиш йўлларига кўра олти туркумга ажратилади. Мумтоз хитой тилшунослигида 六书 'liù shū' деб номланган бу олти туркум 象形字 xiàng xíng zì 'тасвирий-расм туркум', 指事字 zhǐ shì zì 'кўрсаткич туркум', 会意字 huì yì zì 'маънавий

бирлашиш туркуми’, 转注字 zhuǎnzhùzì ‘шаклан ўзгарувчи туркум’, 假借字 jiǎjièzì ‘ўзлаштирувчи туркум’, 形声字 xíngshēng zì ‘расм-талаффуз туркум’ тарзида таржима қилинган[1; 10]. Терминлар компонентлари семантик жиҳатдан таҳлил қил ин с а, таъкидлаш лозимки, олти туркум номларининг таркибида умумий компонент 字zì ‘иероглиф’; ‘ёзув’ сўзи мавжуд ва айнан шу компонент бу терминларнинг асосий кўрсаткич компоненти бўлиб хизмат қилади. Ўзбек тилига “тасвирий-расм туркуми” тарзида таржима қил ин г а н 象形字 xiàngxíngzì термини таркибидаги биринчи компонент 象xiàng ‘тақлид; ўхшатиш’, иккинчи компонент эса 形xíng ‘шакл; сурат’ маъноларини ифодалайди. 指事字 zhǐshìzì терминининг биринчи компоненти 指zhǐ ‘кўрсатмоқ; ишора қилмоқ’, иккинчи компоненти 事shì ‘воқелик; объект’ маъноларини ифодалашда хизмат қилади. 会意字 huìyìzì терминининг биринчи компоненти 会huì ‘тўпланмоқ; жамланмоқ’, иккинчи компоненти 意yì ‘маъно; мазмун’ маъноларини ифодалайди. 转注字 zhuǎnzhùzì таркибидаги биринчи компонент 转zhuǎn ‘ўзаро моҳият, ш а к л ёки йўналиш алмашинуви’, иккинчи компонент 注zhù ‘сўз ёки иероглифга айнан иероглиф ёки сўз воситасида изоҳ бериш’ маъносида қўлланилади. 假借字 jiǎjièzì термини таркибидаги 假jiǎ ва 借jiè иероглифларнинг ҳар иккиси ‘қарзга олмоқ’ маъносини ифодалайди. Мас а л а н, 久假不归jiǔjiǎ bùguī ‘узок вақт ўтса-да, қарзни қайтармаслик’, яъни ‘олганига анча бўлган-у, ҳамон қайтармаган’ каби. Ва “олти туркум”ни яқунловчи 形声字 xíngshēng zì терминининг биринчи компоненти 形xíng ‘шакл; тасвир’, иккинчи компоненти 声shēng ‘товуш’, учинчи компоненти юқорида айтилганидек, ‘иероглиф; ёзув’ маъноларини ифодалайди. Иероглиф туркумларига нисбатан қўлланилган термин таржималаридан фақат 会意字 huìyìzì ‘маънавий бирлашиш туркуми’ таржимасидаги ‘маънавий’ сўзининг ўрнига ‘маъновий’ сўзини қўллаш ўринли бўларди. Чунки ‘маъновий’ ёки ‘маъно’ хитойчасига

意yì; ‘маънавий’ эса 德de ёки 道德daode сўзлари билан ифодаланади.

И е р о г л и ф л а р н и н г таркибий қисмларини ўрганмай туриб, уларнинг асл маъносини тасаввур этиш мушкул. Иероглифларни ўзлаштириш, тушуниш айнан уларнинг таркибий қисмларини қай даражада билиш ва англаш билан бевосита боғлиқ.

Х и т о й иероглифларининг таркиби – имло чизиклари, иероглифларни ёзиш тартиблари, оддий ва мураккаб иероглифлар, бўлақлар ва бирикиш шаклларида иборат [1; 13].

笔画bǐhuà ‘имло чизиклари’[1; 14] ёки ‘иероглифларнинг чизик (бихуа)лари’[3; 55] иероглиф таркибидаги энг кичик элемент саналади. Терминнинг биринчи компоненти 笔bǐ ‘қалам; мўйқалам’ ёки ‘қалам ҳаракати’, 画huà эса ‘чизик’ ёки ‘чизик тортиш’ маъноларини ифода л а й д и. Терминнинг ўзбек тилига ‘имло чизиклари’ тарзида қилинган таржимаси аллақачон ўзбек хитойшунослигида иероглифларнинг энг кичик таркибий қисмига нисбатан қўлланишида ўз ўрнини топган.

笔顺bǐshùn иероглифларни ёзиш тартиби. Юқорида айтиб ўтилганидек, 笔bǐ ‘қалам; мўйқалам’ ёки ‘қалам ҳаракати’, 顺shùn эса ‘тартиб’ маъносини ифодалайди. Термин ‘иероглифларни ёзиш тартиби’ деб таржима қилинади.

部首bùshǒu термини таркибидаги биринчи компонент 部bù ‘бўлақ’, ‘қисм’ ва 首shǒu ‘бош; асосий’ каби маъноларни ифодалайди. 部首bùshǒu иероглифнинг таркибий қисми бўлиб, дастлаб унга нисбатан部bù ‘бўлақ’ термини қўлланилган. Бу термин ўзбек тилига ‘калит’ тарзид а таржима қилинган[1; 20]. Терминнинг айнан шундай таржима қилинишига унинг рус тилидаги ‘ключ’ таржимаси[4; 776] сабаб бўлган, дейиш мумкин. Келиб чиқишидан қатъий назар у ҳам вақт синовидан ўтган таржима ҳисобланади.

偏旁biānpáng термини 边biān ‘томон; чет; чегара’ ва 旁páng ‘бошқа, қолган; ён, ён томон’ маъноларини англатувчи компонентлардан тузилган. Бу терминнинг тилимизга ‘бўлақ’[1;19], ‘ён бўлақ’[3; 74], уларнинг жойлашувига қараб турлари: чап ён бўлақ, ўнг ён бўлақ,

ю қорғи бош бўлак, пастки бўлак, атрофли бўлак [1; 20] ва уст бўлак, ост бўлак, ром бўлак, ён бўлак [3; 76] номлари билан аталган. 偏旁bianpang термини 'ён бўлак' тарзида таржима қилинса, ўз-ўзидан иероглифнинг ён томонларида жойлашган бўлақлар тушунилади. Ва ҳоланки, улар иероглиф таркибида юқорғи қисм, иероглифнинг ости, иккала ёнида ва унинг атрофини чегаралаб, ром шаклида жойлашади. Агар бу терминга нисбатан фақат 'бўлак' қўлланса, унда у умумий бўлиб қолади, чунки имло чизиклари ҳам, калитлар ҳам иероглифнинг бўлақлари ҳисобланади. Шу боис таржимани 'иероглифнинг чегара бўлақлари' тарзида беришда манба тил хитой тилидаги терминга мос келади. Иероглифнинг тепа (юқори) қисмида жойлашган чегара бўлак 字头zitou > 字zi 'иероглиф' + 头tou 'бош' деб номланади. Унга нисбатан таржимада 'юқорғи бош бўлак' қўлланса юқорида жойлашган асосий бўлак маъноси англашилади. Иероглиф чегара бўлақларидан унинг юқори қисмида жойлашгани ҳар доим ҳам асосий бўлак бўлавермайди. Шу сабаб терминни ёки 'юқори бўлак' ёки 'уст бўлак' тарзида таржима қилиш керак. Иероглифларнинг ости, пастки қисмида келадиган бўлак 字底zidi > 字zi 'иероглиф' + 底di 'ост; паст' деб юритилади. Терминнинг ҳар иккала таржимаси ҳам унинг аслига тўғри келади. Хитой иероглифларининг маълум қисми ром шаклида чегаралаб олинган бўлиб, уни ром шаклида чегаралаб турадиган бўлак 字框zikuang > 字zi 'иероглиф' + 框kuang 'рамка, ром' деб аталади. Ўзбек тилида терминнинг 'атрофли бўлак' ва 'ром бўлак' таржималари мавжуд. Таржиманинг биринчи вариантыда 'атрофли' сўзи муносиб танланмаган. Зеро бўлакнинг атрофли ёки атрофсизи бўлмайди. Чунки ўзбек тилида атрофида деганда объектнинг қисми эмас, унга яқин, бироқ объектдан ташқари бўлган жисмлар тушунилади. Таҳлиллар иероглиф чегара бўлақлари таржимаси учун 字头zitou 'уст бўлак', 字底zidi 'ост бўлак', 字旁zipang 'ён бўлак', 字框zikuang 'ром бўлак' терминларини қўллаш ўринли эканлигини кўрсатди.

Хитой тилининг ўзига хос ва ўта мураккаб томонларидан яна бири унинг фонетик қурилишидир. Мумтоз хитой тилшунослигида энг чуқур ўрганилган

соҳалардан бири ҳам айнан фонетика ва фонология соҳасидир. Шу боис, мазкур соҳа терминлари қадимий, тугал шаклланган ва фақат хитой тилигагина хос хусусиятларни намоён этиши билан характерлидир.

Хитой тили фонетикасининг энг катта фарқли хусусияти тилда бўғинларнинг маълум оҳанг (тон) билан талаффуз қилинишидир. Хитой адабий тили фонетик жиҳатдан Пекин шеvasи фонетик меъёрларига асосланади. Ҳозирги хитой адабий тилида тўрт оҳанг мавжуд. Оҳанг 声调shēngdiào > 声shēng 'товуш; овоз; мусиқа; оҳанг' ва 调diào 'қўшиқ; мусиқа; оҳангдорлик' компонентларидан ташкил топган.

Қадимги хитой тилидаги тўрт оҳанг учун қуйидаги терминлар қўлланилган: 平声píngshēng > 平píng 'текис, равон' + 声shēng 'оҳанг; товуш', 上声shǎngshēng > 上shǎng 'кўратилмоқ; юқори' + 声shēng 'оҳанг; товуш', 去声qùshēng > 去qù 'кетмоқ; пастламоқ' + 声shēng 'оҳанг; товуш', 入声rùshēng > 入rù 'кирмоқ' + 声shēng 'оҳанг; товуш'.

Ҳозирги хитой адабий тили 普通话pǔtōnghuà путунхуада 阴平yīnpíng > 阴yīn 'баланд' + 平píng 'чўзиқ, равон', 阳平yángpíng > 阳yáng 'паст' + 平píng 'чўзиқ, равон', 上声shǎngshēng ва 去声qùshēng оҳанг турлари мавжуд бўлиб, биринчи ва иккинчи оҳанг 阴平yīnpíng ва 阳平yángpíng қадимги хитой тилининг биринчи чўзиқ оҳанги 平声píngshēng асосида шаклланган. Қадимги хитой тили биринчи оҳангида талаффуз қилинган сўзларнинг жарангсиз ундошдан бошланганлари бугунги кунда биринчи оҳанг 阴平yīnpíng, яъни баланд чўзиқ оҳанг билан талаффуз қилиниб, бўғиндаги унли товуш устига [ˊ] белгиси қўйилади; қадимги хитой тили биринчи оҳангида ўқилган ва жарангли ундош билан бошланган сўзлар бугунги кунда 阳平yángpíng, иккинчи баланд, чўзиқ кўтарилишчи оҳанг билан талаффуз қилинади ва ёзувда [ˊ] белгиси билан ифодаланди; 上声shǎngshēng олдин товуш тушиши (пасайиши), кейин кўтарилиши билан фарқланадиган учинчи оҳанг [ˊˊ] белгиси ҳамда 去声qùshēng пасаювчи тўртинчи оҳанг бўлиб, [ˋ] белгиси

воситасида ифодаланеди.

Ҳозирги хитой тилида биринчи ва иккинчи оҳанг учун қўлланиладиган терминлар (阴平yīnpíng ва 阳平yángpíng)нинг биринчи компонентлари阴yīn ва 阳yáng қадимги хитой фалсафаси бўйича阴yīn ‘салбий; қоронғулик’ ва 阳yáng ‘ижобий; ёруғлик’ каби маъноларни англатиб, асосан қарама-қарши тушунчаларни ифодалаш учун қўлланилади. Ушбу ўринда зид маъно бўғин бошида келган жарангсиз ва жарангли ундошлар, баланд (тиниқ) ва паст (қўпол) товушлар билан боғланади.

Ўзбек хитойшунослигида 声调shēngdiào ‘оҳанг’ деб таржима қилинади. Тўрт оҳанг 四声sìshēngга нисбатан ‘тўрт оҳанг’[3;14] билан бирга ‘тўрт тон’[5; 27] таржималари ҳам учрайди. Модомики, хитой тилидаги声调shēngdiào термини ‘оҳанг’ тарзида таржима қилинар экан, хозирги хитой адабий тилида мавжуд тўрт оҳангни жамлаб аташ учун қўлланиладиган 四声sìshēng термини учун ‘тўрт оҳанг’ таржимасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Хитой тилида тўртала оҳанг учун махсус терминлар мавжудлиги юқорида келтириб ўтилган эди. Хитой тили бўйича ўзбек тилида яратилган манбаларда оҳанг турлари, одатда, тартиб рақами билан берилади: биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчи оҳанг каби. Тадқиқот жараёнида уларнинг махсус номлари таржимасига дуч келинмади. Тўрт терминнинг хитой тилидаги мазмун ва моҳиятидан келиб чиқиб, уларни ўзбек тилига қуйидагича таржима қилиш мумкин:

- 1) 阴平yīnpíng > 阴yīn ‘баланд’+平píng ‘чўзиқ, равон’ = ‘юқори чўзиқ оҳанг’;
- 2) 阳平yángpíng > 阳yáng ‘паст’ + 平píng ‘чўзиқ, равон’ = ‘паст чўзиқ оҳанг’;
- 3) 上声shǎngshēng > 上shǎng ‘кўратилмоқ; юқори’ + 声shēng ‘оҳанг; товуш’ = ‘кўтарилиувчи оҳанг’;
- 4) 去声 qùshēng > 去qù ‘кетмоқ; пастламоқ’ + 声shēng ‘оҳанг; товуш’ = ‘пасаювчи оҳанг’.

Хитой тилида бўғин структураси икки асос бирлик 声

母shengmu ва 韵母yūnmǔларнинг бирикишидан ҳосил бўлади. Иккала терминнинг ўзбек тилида эквиваленти топилмаган. Чунки бу икки термин хитой тилида бўғинга хос хусусиятни акс эттиради. Бу терминлар ўзбек тилидаги адабиётларда таржимасиз ёхуд ўзини фонетик ўзлаштирилган ҳолда транслитерацияси берилади ва зарур ҳолларда уларга изоҳ келтирилади[3; 10]. Ёки韵母yūnmǔ ‘унли ҳарф; унли товуш’ [5; 36] тарзида таржима қилинади.

声母shengmu > 声shēng ‘товуш; овоз; шовқин’ + 母mǔ ‘она; аёл; урғочи; асосий, марказий’;

韵母yūnmǔ > 韵yūn ‘музикий товуш; бўғин ҳосил қилувчи унли; қофия’ + 母mǔ ‘она; аёл; урғочи; асосий, марказий’.

Иккала термин учун умумий бўлган компонент 母mǔнинг ‘она’ маъносига тўхталадиган бўлсак, у - яратувчи, дунёга келтирувчи зот. Ушбу термин таркибида бу маъно бўғиннинг яратувчисига ишора қилмоқда. Шундан келиб чиқиб, хитой тилида бўғиннинг биринчи ундош товушига нисбатан қўлланиладиган声母shengmǔни ‘товуш асос’ тарзида, бўғиннинг шэнгмудан ташқари қолган қисми韵母yūnmǔни эса ‘ритм ик асос’ деб таржима қилиш манба тилдаги терминлар моҳиятига терс бўлмайди деб ҳисобладик. 韵母yūnmǔлар фақат бир унлидан эмас, бир нечта унлидан иборат бўлиши, айрим ҳолларда эса уларга ундошлар аралашуви бу терминни ‘унли товуш’ ёки ‘унли асос’ тарзида таржима қилишга йўл қўймайди.

Маълумки, хитой тилшунослигида грамматика хусусан, морфология баҳсли нуқталарга бой. Хитой грамматикаси бўйича ўзбек хитойшунослари томонидан яратилган манбаларда морфологик терминлар таржимасида фарқлар мавжуд. Жумладан, хитой тили мустақил сўз туркумларига нисбатан қўлланилувчи 实词shící термини айрим манбаларда ‘мустақил сўзлар’, ‘тўлиқ сўзлар’[6; 7], бошқаларида эса ‘асосий сўз туркуми’[7; 18], ‘мустақил маъноли сўз’ [5; 25] тарзида таржима қилинган.

实词shící > 实shí 1. тўлиқ, заррача бўшлиқсиз; 2. ҳақиқий (айнан шу маъноси билан 虚xū ‘ёлфон, сохта, қалбаки’

сўзининг антоними ҳисобланади); 3. рост, ҳақиқат; 4. мева; уруғ. + 词cí 1.нутқ ёки қўшиқ, драма, мақолаларда қўлланилган жумла, сўзлар; 2. мумтоз хитой адабиётидаги шеърӣ жанр; 3.тилдаги энг кичик, мустақил қўлланиладиган бирлик, сўз. Термин компонентларининг маънолари ичидан энг мақбул вариантлари танланганда实词shícíнинг сўзма-сўз таржимаси 'ҳақиқий сўз'.

Лексикографик манбаларда "实词shící аниқ маънога эга бўлган сўзлар бўлиб, хитой тилида 实词shící 'ҳақиқий сўз'лар от, феъл, сифат, сон, ҳисоб сўзлар, олмош ва тақлид сўзларни ўз ичига олади" деб таъриф берилади. Шу сабаб ўзбек тилидаги 'мустақил сўзлар' бирикмаси实词shící терминини таржима қилишда энг мақбул вариант д и р. Зеро, хитой тилида мустақил сўз туркумларини умумий номлаш билан бир қаторда алоҳида сўзни таърифлашда ҳам қўлланилади. Масалан: 1. 汉语实词包括名词、动词、形容词、数词、量词、代词、拟声词七类。

Хитой тилида实词shící, мустақил сўзлар от, феъл, сифат, сон, ҳисоб сўзлар, олмош, тақлид сўзлар каби етти туркумни қамраб олади[8;1237]. 2."来"为实词·表示动作。"来" lái 'келмоқ' мустақил сўз бўлиб, иш-ҳаракатни ифодалайди. Икки тилдаги терминлар тузилишига кўра ҳам ўзаро тенг.

Ё р д а м ч и сўз туркумларига нисбатан қўлланивчи 虚词xūcí термини 'хизмат қилувчи сўзлар'[6; 7], 'ёрдамчи сўзлар'[5;33][6;5] бошқа бир манбада 'ёрдамчи сўз туркуми' [7; 18] деб таржима қилинган.

虚词xūcí > 虚 xū 1. бўш; 2. журъатсизлик; 3.тўсатдан; шунчаки; 4.ёлғон, қалбаки (实shí 'ҳақиқий' сўзининг антоними); 5.камтарлик; 6.нозик, кучсиз; 7.сиёсий қарашлар, йўналиш, сиёсат кабиларнинг ҳақиқатини (маъзани) ифодалайди. 虚词xūcí сўзма-сўз таржима қилинган да 'ҳақиқий бўлмаган, ёлғон ёки сохта сўз(лар)', моҳиятан эса 'ёрдамчи сўзлар' терминига мос келади.

拟声词nǐshēngcí ёки象声词xiàngshēngcí терминларининг 'тақлид сўзлар'[5; 31] билан бирга 'тақлидий сўзлар'[6; 8]

тарзида таржималари ҳам мавжуд.

拟声词nǐshēngcí > 拟nǐ 1.ҳисоб-китоб қилмоқ; 2.режалаштирмоқ; 3.тақлид қилмоқ, кўчирмоқ; 4.таққосламоқ; 5.тахмин қилмоқ.

声shēng 1.товуш; 2.товушга нисбатан ҳисоб сўз; 3.товуш чиқармоқ; эълон қилмоқ; тавсифламоқ; 4.мавқе, ном; 5.шэнму (х.т.да бўғиннинг таркибий қисми); 6.оҳанг, тон. Сўзма-сўз таржимаси 'товушга тақлид сўз'. Ўзбек тилшунослигида одатда 'тақлид сўзлар' термини билан юритилади. Таржимада ҳам айнан шу терминни қўллаш ўзини ҳар томонлама оқлайди. Айни маънони ифодаловчи 象声词xiàngshēngcí терминидаги фақат биринчи компонент юқоридагисидан фарқланиб, 象xiàng 1.шакл; кўриниш; 2.тақлид қилиш; кўчириш маъноларини англатади.

量词liàngcí терминининг 'ҳисоб сўзлар' билан бир қаторда 'классификатор' [7; 18] таржимаси ҳам қўлланилади.

量词liàngcí > 量liàng 1.қадимда нарса-буюмни ўлчаш учун ишлатилган асбоб; 2.сиғим, миқдор даражаси; 3.миқдор, сон; 4.ҳисобламоқ; ўлчамоқ. Нарса, ҳодиса ва ҳаракатнинг миқдорини ифодалаб, асосан сонлар билан қўлланилувчи бу туркум сўзлар таснифлаш учун хизмат қилса-да, асосий вазифаси ҳисобни билдириш бўлганлиги сабаб 'ҳисоб сўзлар' терминини таржимада қўллаш мақсадга мувофиқ. Ўзбек тили грамматикаларида[9; 313] ҳам бундай терминнинг мавжудлиги ортиқча тушунмовчиликларни келтириб чиқармайди.

不定数bùdìng shù, 概数gāishù, 约数yüeshù тахминий миқдорни англатувчи сонларга нисбатан қўлланиладиган ушбу терминлар ўзбек тилига 'тахмин сон'[7; 38], шу мазмундаги 不定量数词 bùdìngliàng shùcí термини 'ноаниқ санок сон'[5; 5] деб таржима қилинган. Терминлардаги охи р г и асосий компонент 数shù 'сон', 不定bùdìng 'ноаниқ', 概gāi ва 约yüе 'тахмин, тахминий' маъноларини ифодалайди. Ўзбек тили грамматикасида бундай сонлар 'чама сонлар' термини билан юритилиши маълум. Хитой тилидаги тахминий миқдорни ифодаловчи сонларни билдирувчи бу терминларни ўзбек тилига яхши сингган ва термин сифатида шаклланиб бўлган 'чама сонлар' воситасида бериш анча ўнғай.

Морфология ва лексикологияда кенг қўлланилувчи 语素 yusu термини 'тил бирлиги' дея таржима қилинган. Унинг 'морфема' тарзида таржима қилиниши тўғри бўлмайди. Ўзбек хитойшунослигида морфеманинг хитойчасига 词素 cisu 'сўз элементи' термини воситасида ифодаланиши тўғри, деган қарашлар ҳам ўзбек хитойшунослигида мавжуд[3;3]. Бу икки терминнинг таржимаси мавжуд қарашларда зиддиятларга сабаб бўлиши мумкин. Бироқ, аслида 语素 yusu ва 词素 cisu терминлари моҳиятан бир. Хитой лексикографик манбаларида 语素 yusuga "тилдаги энг кичик маъно англатувчи бирлик" тарзида таъриф берилади. Хитой тилидаги 语素 yusular аксарияти бир бўғинлидир, шу билан бирга кўп бўғинлилари ҳам учраб туради. Сўз ички қурилиши таҳлили жараёнида, айрим манбаларда 语素 yusu ўрнига 词素 cisu термини қўлланилади[8;1665].

语素 yusu > 语 yu 1.нутқ, сўзлар; тил; 2.гапирмоқ; 3.мақол; 4.тил ўрнига бирор ҳаракатлар воситасида фикрни ифодалаш усули. 素 su 1.асл ранги; 2.ёрқин бўлмаган ёқимли (содда) ранг; 3.сабзавот маҳсулотлари; 4.асли, аслида; 5.унсур, элемент; 6.олдиндан, асли. Сўзма-сўз таржима қиланса 'сўз элементи' маъносини беради. Бу ўринда 语 yuнинг 'сўз; сўзлар' маъноси борлигини унутмаслик керак. 词素 cisu таркиби ҳам айнан шу маъноли компонентлардан ташкил топган, 'сўз' + 'элемент'. Демак, уларнинг ҳар иккиси 'морфема' деб таржима қилиниши мумкин.

Хитой тили ҳисоб сўзлари билан боғлиқ терминлар сирасига 物量词 wuliangci 'ном ҳисоб сўзлар'[11; 49] ва исмий ҳисоб сўзлар[7; 47], бунда 物wu 'нарса-буюм; объект'+量词 liangci 'ҳисоб сўз' киради. Бу ҳисоб сўзлар асосан нарса-буюм, воқеа ҳодиса номлари, яъни от сўз тукумига мансуб сўзларнинг миқдор, даражасини ифодалашда қўлланилади. Шу боис 'ном ҳисоб сўзлар'дан таржимада фойдаланиш мақбул. Қолаверса, хитой тилида 物量词 wuliangci яна 名量词 mingliangci термини билан параллел равишда мавжуд. 名量词 mingliangci термини таркиби даги биринчи компонент 名 ming 'ном, исм, от;

атамоқ, номламоқ' маъноларини англатади. 'Исмий' сўзи кўпроқ араб тилидаги исм туркумини эслатади. Араб тили исм туркуми доираси анча кенг бўлиб, унга от сўз туркумидан ташқари сифат, сон, олмошлар ҳам киради. 动量词 dongliangci эса 'ҳаракат ҳисоб сўзлари'[11;61] ҳамда 'феълий ҳисоб сўзлар'[7; 47]. Бунда 动dong 'ҳаракат; ҳаракат қилмоқ' маъноларини англатади. Феъл сўз туркуми 动词 dongci термини билан ифодаланиши, бу турдаги ҳисоб сўзлар феъл туркумига мансуб сўзлар миқд о р и ёки даражасини билдириш учун қўлланилса-да, феъл туркуми қамровининг кенглиги ва ҳамма феълларга нисбатан ҳам ҳисоб сўз қўлланилмаслигини эътиборга олиб, 'ҳаракат ҳисоб сўзлари' терминини таржима учун кўпроқ маъқул вариант дейиш мумкин. Бундан ташқари, ҳисоб сўзларнинг таркибий тузилишига кўра 'содда ҳисоб сўзлар', 'қўшма ҳисоб сўзлар'[11; 72-76], 'оддий ҳисоб сўзлар' ва 'мураккаб ҳисоб сўзлар'[7; 47-49] каби таржималари адабиётларда келтирилади. Булардан 'оддий ҳисоб сўзлар' биров ноўрин қўлланилган, чунки ўзбек тилида 'оддий' сўзи "осон, содда" билан бир қаторда, "ҳеч бир эътиборга арзимайдиган" маъносида ҳам қўлланилади. Шунинг учун 'оддий ҳисоб сўзлар' тушуниш қийин бўлмаган ёки аҳамиятсиз, бунда унинг структур жиҳатдан содда ёки мураккаб бўлиши р о л ь ўйнамайди, деб қабул қилинишга сабаб бўлади. Модомики, гап ҳисоб сўзларнинг таркибий тузилиши ҳақида борар экан, 'содда ҳисоб сўзлар' термини тўлалигича мос таржима бўлади. 'Қўшма ҳисоб сўзлар' ва 'мураккаб ҳисоб сўзлар' терминлари моҳиятан тўғри, бунда й ҳисоб сўзлар мураккаб структурага эга, компонентларнинг ўзаро қўшилишидан ҳосил бўлган. Лекин хитой тилида бу термин 复合量词 fuhe liangci > 'қўшмоқ; жамламоқ, йиғмоқ' + 'ҳисоб сўз' компонентларидан ташкил топганлиги сабаб таржимадаги 'қўшма ҳисоб сўзлар' термини ҳам шаклан, ҳам мазмунан манба тилдаги эквивалентига мос. 判断动词 panduan dongci > 判断 'фикр юритмоқ; изоҳламоқ; баҳо бермоқ' + 'феъл' ёки 判断词 panduanci > 'фикр юритмоқ; изоҳламоқ; баҳо бермоқ' + 'сўз' компонентларидан тузилган бу термин адабиётларда 'феъл-боғловчи'[5; 22], 'боғловчи феъллар'[7; 94] тарзида таржима қилинган. Ўзбек тилшунослигида бундай феълларга нисбатан 'боғлама' терминининг мавжудлиги

[10; 24] таржимани осонлаштиради.

Синтактик терминлар таркибида 单句danjunинг 'содда гап' [5; 22, 31] ва 'оддий гап' [7; 8] каби муқобиллари кузатилади.

单句danju > 单dan 'якка; тоқ; алоҳида, ёлғиз' + 句ju 'гап; синтагма' компонентларидан иборат бу термин ўзбек тилидаги 'содда гап' истилоҳига ҳар томонлама мос келади. 'Оддий гап' тарзида таржима қилиш жараёнида юқорида ҳисоб сўзларнинг структур типларига нисбатан қўллангани каби, ўзбек тилида 'оддий' ва 'содда' сўзларининг фарқлари, улардаги терминлашиш хусусияти ҳисобга олиниши лозим.

Хитой тили гап бўлакларидан 补语 buyu терминининг ўзбек тилига ўгирилиши баҳсларга сабаб бўлиши мумкин. Ўзбек тилида унга тенг келадиган гап бўлаги мавжуд эмаслиги терминнинг мутаносибини топишга тўсқинлик қилади. Мазкур терминнинг ўзбек хитойшунослигида 'тўлдирувчи'; "бу-юй" хитой тили тўлдирувчисининг бир тури [5; 4] ва 'қўшимча элемент' [7; 28] тарзида берилган таржималари мавжуд.

补语 buyu > 补bu 'бутлаш; тўлдириш' + 语yu 'сўз; сўзлар'. Бу термин таржимасида 'тўлдирувчи' терминини қўллаш терминология учун салбий ҳодиса. Зеро, икки тушунча учун бир термин (хитой тилидаги 宾语binyu 'тўлдирувчи'нинг муқобили саналади) қўлланилишига йўл қўйилмоқда. 'Қўшимча элемент' терминининг эса мазмун доираси кенг. Қўшимча элемент иероглифга, сўзга ва ҳ.к.ларга хос бўлиши мумкин. 补语 buyuлар эса гапда кесимнинг мазмунини тўлдириб келади. Терминнинг моҳиятидан келиб чиқиб уни 'тўлиқловчи' деб таржима қилиш мумкин. Гарчи, 'тўлиқловчи' термини ўзбек тилшунослигида ишлатилмаса-да, 'тўлиқсиз гап', 'тўлиқсиз ассимиляция' [10; 112-113] терминларининг ўзбек тилшунослигида мавжудлиги унинг ўзбек тили учун бутунлай ёт сўз эмаслигини кўрсатиб турибди.

Хитой тили бўйича ўзбек хитойшунослари томонидан яратилган луғат, дарслик, ўқув қўлланма, монография ҳамда илмий мақолалар таҳлили хитой тилшунослик терминлари таржималарида тафовутлар борлигини кўрсатади. Таржималардаги фарқлар таҳлил қилинганда асосан қуйидаги камчиликлар кўзга ташланади:

1. Терминлар таржимасида яқдилликнинг йўқлиги. Муаллифларнинг, ҳатто айрим ҳолларда, бир муаллифнинг турли ишларида айна термин таржимаси учун ҳар хил лексемалардан фойдаланилганлик.

2. Терминларни таржима қилишда манба ҳисобланадиган хитой тили ёки таржима қилинаётган ўзбек тилининг терминлар системасига эмас, балки бошқа тил (рус, араб, инглиз) терминологиялари аънаналарига эргашиш.

3. Терминлашмаган таржима. Ўзбек тилида хитой тилидаги терминга ҳар томонлама мос келадиган муқобили бўлишига қарамасдан уни сўзма-сўз таржима қилиш.

4. Таржима жараёнида термин юзага келган тил (хитой тили) ва унинг ижодкори бўлган халқ (хитой халқи)нинг ўзига хос ментал хусусиятлари ва халқ онгидаги дунё манзарасининг тил воситасида ифодаланишига бўлган ёндашувнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олмаслик.

REFERENCES

- [1] Махмудходжаев М.Х., Бекмуратов И.Н. Хитой ёзуви. – Тошкент, 1990.
- [2] Хасанова Ф. 我 иероглифига доир айрим мулоҳазалар. // Ўзбекистонда хитойшунослик: тарих, ҳозирги замон ва келажак. – Тошкент, 2012.
- [3] Каримов А.А., Ҳидоятлова Ш., Аминов Э. Кўрсатилган асар. – Тошкент: Фан ва технология, 2004.
- [4] Большой китайско-русский словарь (БКРС). – Москва, 1983.
- [5] Каунбаев М.Т. Хитойча-ўзбекча лингвистик атамалар. – Тошкент, 1993.
- [6] Каримов А. Хитой тилининг асосий грамматик бирликлари. – Тошкент, 2001.
- [7] Ҳашимова С., Носирова С. Хитой тили грамматикаси. – Тошкент, 2011.
- [8] 现代汉语词典(ХНCD). – 北京: 商务印书馆 · 2005. Xiandai hanyu cidian. – Beijing, 2005.
- [9] Абдурахмонов Ф., Шоабдурахмонов Ш., Ҳожиёв А. Ўзбек тили грамматикаси. Т.1. Морфология. – Тошкент: Фан, 1975.
- [10] Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли

луғати. –Тошкент, 2002.

[11] Каримов А. Хитой тилидаги ҳисоб сўзлар: лексик-семантик, структурал ва функционал таҳлил. –Тошкент, 2003.

[12] Мустафаева С. Хитой тили тилшунослик терминлари тизимининг шаклланиши ва тараққиёт босқичлари. – Тошкент, 2016.